



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 28 сентябр, шанба №155 (1372)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ҚУВОНЧИ

Олтириқ туманидаги Қапчуғай қишлоғида 70 ўринлик «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда аҳоли саломатлигини назорат қилиш, уларга дастлабки тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур барча шароит мавжуд. Янги врачлик пунктида эмлаш, ташхис, аёллар маслаҳатхонаси ҳамда физиотерапия, кичик жаррохлик муолажаларини ўтказиш бўлими бор. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, миллий меъморчилик андозалари асосида қурилган пунктда 19 нафар малякали врач ва ҳамшира фаолият олиб бормоқда. - Жорий йилда, шунингдек, Повулгон, Янгиараб, Нуробод, Файзобод ва Азимобод қишлоғида ҳам замонавий қишлоқ врачлик пункти қурилиб, ишга туширилди, - дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Тўйчибой Саримсоқов. (ЎЗА).

Касаба уюшма Марказий қўмитаси иш тажрибасидан

Давлат ташкилоти бўладими, ёнки жамоат ташкилотими, диққат марказида инсон манфаати турмоғи лозим. Токи ҳар бир киши ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан тўла-тўқис ҳимояланганлигини ҳис этсин. Ана шундангина меҳнаткашларнинг ҳаётга ҳамда ўз хизмат бурчларига бўлган муносабатлари тубдан ижобий томонга ўзгаради. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ИШОНЧНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳам ўз фаолиятини тармоқ меҳнаткашларини ҳуқуқий ҳимоялаш билан чамбарчас боғлаган. Мазкур тармоқда ишчи-хизматчиларни ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бунда меҳнаткашлардан тушаётган озаки ва ёзма мурожаатлар билан ишлашни яхши йўлга қўйилганлиги кўл келпти. Мурожаатларнинг ақсарияти иш ҳақининг ўз вақтида берилмаётганлиги, ёнки нотўғри белгиланганлиги, меҳнат шартномаларининг қонунга хилоф равишда бекор қилиниши, ўзгартирилиши, меҳнат муҳофазаси ҳамда турли нафақалар тўловига оид бўлиб, уларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш учун барча чоралар кўриляпти.

Мурожаатларда, шунингдек, баъзи корхона раҳбарларида мамлакатимизда амал қилаётган қонунларга ҳурмат ҳисси тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги, баъзи касаба

уюшма қўмитаси раҳбарларининг эътиборсизлиги оқибатида қонун бузилишларига йўл қўйилаётганлиги, айрим ҳолатларда эса қонуний қарорларнинг қабул қилинаётганлиги баён этилади. Мисолларга мурожаат этайлик. Тошкент вилоятидаги энергетика коллежидан ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсумида ўқитувчиларга асоссиз равишда иш ҳақларининг атиги ярми тўлаб келинган. Яна бир аризада Муборак газни қайта ишлаш корхонасининг ишчиси С.Сиддиқов пенсия ёшига етганидан сўнг, маъмурият томонидан у билан номуайян мuddатга тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, мuddатли меҳнат шартномаси тузилган ва кам маошли ишга ўтказилган. Тошкент вилоятидаги «АИ-Турон» корхонасида иш-лаб, ўз хоҳишига биноян ишдан бўшаган С.Рамозоновга фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация пули тўланмаган. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг аралашуви билан юқоридаги муаммолар ижобий ечимини топди. Фуқароларнинг муро-

жаатлари ўз жойида ўрганилиб, улар қонун асосида ҳал этилаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқ. Масалан, «Шарқий Ўзбекистон» корхонасида уй-жой олиш учун узоқ йиллар на-вбатда турган Г.Султоновага нисбатан адолат-

этиш бўйича аниқ йўл-йўриқлар кўрсатилди. — Марказий қўмита ва унинг жойлардаги тизимларида меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоялашни яхшилашга қаратилган тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда, - дейди Марказий қўмитанинг ҳуқуқий бўлим мудир Шарафат Зокирова. — Бунинг учун биз меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтирялмиш. Шу жумладан, ҳуқуқшунослар иштирокида меҳнат жамоаларида турли кечалар, суҳбатлар ҳамда учрашувлар ўтказилмоқда.

Айни кунларда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармони асосида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида ўқув-ўқувлар ўтказилмоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, адолатли меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш, уларнинг меҳнат жамоаларида турган маъвоаларини ошириш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари Марказий, вилоят қўмиталарида ҳамда кенгашларида хотин-қизлар комиссиялари тузилган. Улар ўртасида ҳам ҳуқуқий тарғибот кўриляпти.

Ҳа, жойларда кўпласида касаба уюшма аъзолари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам сўраб касаба уюшма қўмиталарига мурожаат этишяпти. Бу эса мазкур жамоат ташкилотига билдирилган ишончдир.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.



Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида пахта йиғим-терими кизгин тус олган. Теримчилар ҳар бир дақиқани ганимат билиб, даладаги ҳосилни илоҳи борица қисқа фурсатда йиштириб олишга ҳаракат қилишаётир.



Суратларда: илғор теримчилардан Гулшан Рўзимова ва Озода Хуррамовалар.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

2002 йил-Қарияларни қадрлаш йили

ТАБАРРУК ОТАХОНЛАР

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамағатининг Жиззах шаҳар бўлимида нуронийларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўпгина ишлар олиб борилаётган. Мана олти йилдирки, бўлимига Юнус Хожи Сатторов раҳбарлик қилиб келяпти. Уларнинг саяё-ҳаракатлари билан шаҳар «Нуроний» жамағатини фаолиятга анча яхшилади. Айни пайтда шаҳарда 32 та маҳалла, 274 та кўча мавжуд бўлиб, уларда 139 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунинг 14 минг нафарга яқини қариялар ташкил этади. Улар орасида 168 нафар уруш қатнашчилари, 72 нафар ноғирон бор. Бу ерда Қарияларни қадрлаш давлат дастури асосида тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда тадбиркорлар кексаларга баҳоли-қудрат моддий ва маънавий кўмак бериб келишмоқда. Уларнинг 9 нафари «Нуроний» шифохонасида даволанганлиги, ўнлаб кексалар санаторийларда имтиёзли асосда дам олгани, турли саналар ва байрамларда улар учун дастурхон ташкил этилиб, байрам совғалари тарқатилгани бу-

нинг исботидир. Жиззах шаҳри бугунги кунда таниб бўлмас даражада ўзгариб бориши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишида нуронийларнинг ҳам улуши бўлаяпти. Улар ўзларининг доно маслаҳатлари, ўғитлари билан ёшларга ибрат бўлишаётир. Шаҳарда 9 та гузар бўлиб, кексаларнинг хордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар мавжуд. Гузарда кўча оқсоқоллари ва маҳалла фаоллари ҳамжиҳатликда тадбирлар уюштиришаётир. Нуронийлар тўй-маъракаларнинг тўрида. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами арафасида Юнус Хожи Сатторов Президентимиз Фармони билан «Шухрат» медалига лойиқ топилди. — Буни шаҳримиз, қолаверса, вилоятимиздаги барча нуронийларга берилган муқофот деб биламан, - дейди фахр билан отахон. — Кексалари қадр толган, иззат-икром кўраётган юрда яшаётганимиз билан фахрланамиз. Истиқлол туфайли бахт топдим, десам янглишмайман.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

27 сентябр, Чунгжу (Жанубий Корея). Ўза махсус мухбири Озода Ражабов хабар қилади.

Японларнинг каратэ, корейсларнинг тазквандо, хитойларнинг у-шу ва ўзимизнинг кураш дунёда эътироф этилган миллий спорт турлари ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос анъанаси — миллий ўйинлари бор. Уларнинг ҳеч қайси-

ЖАҲОН МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ФЕСТИВАЛИ

си бир-бирига ўхшамайди. Бразилияда капоера, Малайзияда силат, Филиппинда арнис, Молдовада тронга ўзига хос гўзал спорт санъати ҳисобланади.

Бу йил бешинчи бор ўтказилаётган Чунгжу фестивали жаҳон миллий ўйинларини бирлаштирадиган ягона анжумандир. Ўзбек полвонлари уч йилдан буён ана шу байрамда иштирок этади.

Фестивалнинг бугун бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида Корея Республикаси ҳукумати аъзолари, мамлакатдаги хоржилик элчилик қатнашди. Чунгжу ҳокими Си Жонг 31 давлат вакиллари бу катта байрам билан қутлади.

Эртдан ҳар бир миллий спорт тури бўйича кўрғазмалар чиқишлар бошланди. Энг муҳими, ўзбек курашининг байрами нафақат Чунгжу, балки Ансонг ва Суамбода ҳам бўлиб ўтади. Бу Жанубий Кореяда миллий спортимизга қизиқиш юқори эканлигидан далолат беради. Яна бир гап: фестивал дастури сифатида чоп этилган китобчада ўзбек курашидан бошқа миллий ўйинлар тасвирланган суратларни учратмайсиз. Шундай қилиб, фестивал бошланди. (ЎЗА).

Чўлда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Қунига қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Ерга меҳр, касб-корга садоқат туфайлигина кишилар чўлда дур ундиришмоқда, ноз-неъмат этиштиришмоқда.

Коровулбозор туманидаги «Жарқоқ» ширкат ҳўжалигида бундай фидойилар кўп. Пудратчи Қобил Норов уларнинг бири. Аммо қутилмаганда унинг иши орқага кетди. Ҳамкасблари янги раисга қайсидир фазилати ёқмай қолди, дея ҳулоса қилишяпти.

Воқеа бундай бўлган. Ғўза парваршига қизгин киришилган кезлар эди. Пудратчи Қ.Норов ўз аъзолари билан 28 гектарлик майдонга меҳр билан ишлов берарди. Нијати мўл, арзон ва сифатли ҳосил этиштириш. Шу пайт ҳўжалик раҳбари А.Шарипов келиб қолди.

— Тадбирлар нега кечикапти, трактор далага қачон киради, — дея деҳқонларни сўроққа тутди.

Шунда пудратчилар етакчиси эгларни беғона ўтдан обдон тоза-лаб, сўнг қатор ораларига сифатли ишлов беришни нијат қилганликларини айтишди.

— Баҳонани қўйинг, даладан чикинг...

Пудратчилар торттириб ўтирмай чайла томон кетишди. Шу-шу Қобил Норовнинг ишлашига раҳбарлар ружсат бермай қўйишди. Вақт эса ўтиб борарди. Орадан бир ой ўтди ҳамки қадрдон пахтазорга зимдан қараш бор-у, ичкарига кириш йўқ. Қилган меҳнати зое кетишидан

ПУДРАТЧИ НЕГА РАНЖИДИ?

чўчиган Қобил ака раис ва бошқа мутахассисларга бир неча бор мурожаат қилиб, қадрдон дала-сига қайтиш учун ижозат сўради. Лекин фойдаси бўлмади. Баъзилар ҳайрон: ахир оддий бир чўлқувар нима қилибдики, шунчаллик боришса. Ахир у тажрибали деҳқон сифатида топшириқни кўр-кўрона эмас, ақл билан, виждонан бажарган! Раҳбар бағри кенг, одамларга меҳрибон, мураккаб шароитда фаолият юритаётганларни юксак даражада қадрлайдиган омиқлор ташкилотчи бўлиши керак. Акс ҳолда инсонлар қалбига йўл топиши мушкул. Қийин аҳволда қолган пудратчи Норов туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Аризада шундай сатрлар бор: «2002 йилда ҳўжалик билан тузил-

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ган шартномага кўра 37 гектар майдондан 90 тонна дон, 50 гектар ердан эса 75 тонна оқ олтин етказиб беришни нијат етказдик. Оғир шароитда қаттиқ ишлаб, 121 тонна дон этиштирдик. Шартнома режаси ортиги билан уд-чаланди. Бирок нима учундир янги раисга

электр чиروي ҳали йўқ. Бундай шароитда ишлашнинг ўзи бир жасорат. Дастлаб иқтисодчи Омон Шарипов, сўнг ҳўжалик раисидан пудратчи тақдир хуусида сўрадик. — Ҳаммаси қонуний тарзда ҳал бўлди, ишон-масангиз тегишли ҳуж-жатлар билан танишинг.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

га кўра йиғилишда қатнашмадим. Баённомага қандай қилиб фикрларим тушганлигидан таажубубаман. Одамларни зимдан кузатамиз. Қуёш нурда қорайган, қалби яшаш, яратиш ишқи билан ёнган метин ирода-ли кишилар бутун диққат-эътиборни пахта йиғим-теримига қаратишган. Фақат пудратчи Қ.Норов пахтазорга яқинлаша олмай юрибди. «Раис ундан хафа бўлганмиш...»

Чамаси ҳўжаликда касаба уюшма қўмитаси раисининг ҳали йўқлиги, ўзaro талаб-чанлик муҳити қарор топмаганлиги баъзи адолатсизликларнинг юзга келишига сабабчи бўлмоқда. Шундоқ ҳам ишчи кучи етишма-ётган, лўппи-лўппи бўлиб очилган чаноқлар деҳқонига мунта-зир бўлиб турган олтин дамларда арзиманган баҳонани сабаб билан яхши бир тажрибакор чекка суриб қўйиши айниқса раҳбар учун асло ярашмайди. Чўлқуварлар тўғри фикрлашяпти, аввало уларнинг ўзлари, қола-верса туман ҳокимли-ги инсон, чўлқувар тақ-дирига бундай муноса-батда бўлинишига му-носиб баҳо бериши ке-рак. Уммон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг 16 июнида ўтказилган йиғилишда пудратчи Қобил Норовнинг хизмат бурчиға муносабати масаласи муҳа-қокама қилинган. Тааж-жубки, унинг ўзи нега-дир тақлиф этилмаган. Баённомаға кўз югурти-рамай. Буш муҳандис Ш.Неъматов, пудратчи Б.Жўраевлар муҳокамада иштирок этиб, раис фик-рини қўллаб-қувватлаш-ган. Шу тариха Қ.Норов ишдан бўшатишган. Энди эътиборингизни қуйидаги суҳбатға қара-тамиз: Муҳандис Ш.Неъматов: пудратчи Қобил Норов муҳокамасиға ба-ғишланган йиғилишда бўлмаганман. Баённома-даги сатрлар эса менға тегишли эмас. Пудратчи Б.Жўраев: мен ҳам ўзрили сабаблар-

Уммон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Тадбиркорлик — давр талаби

НИЯТЛАРИ БИР ДУНЁ

Хожатбарор инсонга савоб ҳам оқингиз тагидан чиқади, деганлари ча бор экан. Манзилга етиб олиш учун улов қидириб турганимизда Очилбек исмли йигит меҳмон эканимизни пайкабми, ҳол-аҳвол сўради. Сўзимизни эшитиб, негадир қувониб кетди.

— Йўлим экан, — деди лабларига табассум югуриб. — Мен ҳам шу топда уйдагиларни кўриб келиш учун Кампиртепа қишлоғига кетаётганим. Сизларни манзилингизга ташлаб ўта қолам.

Шахардан чиқа солиб, тонг сахарлаб ўтган йўлимиз — Шеробод дарёси ёқалаб юриб бораётган машина йўл-патрул хизмати постига етмай, кескин чапга бурилиб, тоғлик оралаб кетди. Тўйқис хаво ўзгаргани, ҳам ҳарорат зўриқиб, ҳам шабада кучайганини ҳис қилдик. Юрган саримиз пурвиқор чўққилар кўзга тобора яққолроқ ташлана бошлади. Асфальт йўл шағал бостирилган сўкмоқ билан алмашди. Ҳаморимиз зериқтириб қўймаслик учунми, элас-элас кўришиб турган турлича қатламдаги уйларга ишора қилиб таништириб борди:

— Анвари чапроқдагиси Майдон қишлоғи... Буниси Қорабоғ... Кейин Шерон, Фоз деган қишлоқлар келади... Сувур-сувур қўй-қўзилар ўтлаб юрган тоққа туташ оралик бўйлаб яна ҳам торайиб бораётган йўл ўнгга бурилди-ю узокдан дўпдидак яшиллик балкиб чикди.

— Хув ўша жой, — тушунча берди Очилбек қизиксиниб бока бошлаганимизни сезиб, — сизлар сўраётган Пашхурт қишлоғи.

Ягриндор тоғнинг пешвоз узатилган кафтига кўнгандек тепалик узралаг очик дарвоза кўринди. Пештоқидидаги ёзувни ўқиймиз: «Pashxurt-Anjir ota» masuliyati cheklangan jamiyat.

Чап томонда чўзилиб кетган пастаккина бинодан гувуллаган овоз эшитилади. Унг ёнда томига қадар топ сўриси туташ қатор кетган уй. Бамисоли ҳаёт қайнайди. Биз жамият раиси Нормурот Амиркулов билан сўхбатга киришган чоғимиз олдидан энгил чанг кўтарилиб, сал ўтмай усти ёпик юк машинаси келиб тўхтади.

— Тура Полванов, хайдовчимиз, — дея таништирди раис. — Эрта мин Термизга кетган эди. Сувимизнинг бозори чакқон эмасми, дарров қайтибди.

— Кунига 6-7 минг шиша ёпамиз деясиз. Битта машинага оғирлик қилмайми.

— Яна бор, — дейди кулиб Нормурот ака, — улар хали йўлда. Бири Деновга, бошқаси Шерободга кетган. Қолаверса, харидорларнинг ўзлари ҳам пешма-пеш йўқлаб туришади.

Бейхитёр «Пашхурт» маъданли сувнинг таркиби билан қизиқамиз: сульфат-гидрокарбонат, натрий, кальций, калий... Ерликда «минерал тузларнинг табиий чўқмаси бўлиши мумкин», деган сўзлар ҳам битиб қўйилган. Ошқозон-ичак, жигар ва буйрак касалликларини даволашда

ишлатилади. Таъми эса... Билмадик, қандай тавсиф мос келади. Балки борган кунимиз кун қиздириб тургани учунми, чанқовимиз қонгандек бўлса-да, ичган сари ичгимиз келарверди. Нимаси биландир «Тошкент» сувиға ўшаб кетади, нимаси билан бошқачароқ...

Цехни айланамиз. Йигит-қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Сўз айтишга вақтни қизганишади. Ким шилшаларни ювиш, ким уларни қадоклаш ускунаси томон элтиш, ким тайёр махсулотни тахлаш билан банд. Илғор ишчилар Назира Бекназарова, Нилуфар Қулбоева, Зилола Аллаева, сув қадокловчи Шоназар Маматқуллов, Жаҳонгир Қувваталиев, Акром Жўракулов...

— Асосан ўн олти нафар киши ишлаймиз, — дейди фирма раҳбари. — Лекин иш қизган кезларда яна ўлтўз нафар кишини мавсумий жалб қиламиз.

Сўхбат йўналиши ўз-ўзидан ижтимоий-иқтисодий масалаларга бориб такалади. Ойлик иш ҳақи ўртача 10-12 минг сўм атрофида эканини эшитиб, кам эмасми, деган саволни берамиз. Раҳбар ҳар қаватда, шунингдек байрамларда мукофот пуллари мунтазам уюштириб турилишини, қолаверса, бепул тушлик ташкиллаштирилганини айтиди. Гапнинг тагини гап очади, деганларидек йиллик даромад 12-15 миллион, соф фойда эса 6-7 миллион сўм бўлган жойда яна қандай хайрли ишлар қилинаётгани билан қизиқамиз.

Маълум бўлишича, қишлоқ фуқаролар йўғини билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, бу ерда ўтаётган ҳеч бир тадбир «Пашхурт» кўмагини четлаб ўтмайди. Наврўз ва Мустақиллик байрамларида ишсиз ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилибди. Бундан ташқари қишлоқ касалхонасини таъмирлашда ҳам фирма томонидан ҳомийлик ёрдами уюштирилганини сўзлаб беришди.

Нормурот Амиркуловнинг ниятлари бир дунё. Энг аввало цехни кенгайтурсам, янги иш ўринларини ташкил қилсам, дейди у. Ҳаммом кишини ёзиш ишлаб турибди, энди йигит-қизлар учун алоҳида кийиниш, шунингдек, дам олиш хоналарини қуриш режаси амалга ошадиган бўлиб турибди. Бундан ташқари, келгуси йилда Термиз шаҳрида фирмага тегишли олтита дўкон қуриб, фойдаланишга топширилиши керак...

Ҳар ҳолда «Пашхурт»нинг довруғи бутун Сурхондарёни тутган.

— Сувимиз дўконда туриб қолмайди, — дейди ишонч билан тадбиркор. — Ундан ташқари, беш йил илгари бунёд этган боғимиз ҳосилга кирди. 400 туп ёнғок, мингдан зид ўрик, гилос, бодом эканмиз...

Яна бир даромад манбаи. Иш биланганга минг танга, деб шунга айтсалар керак-да.

Гўё фикримизни тасдиқлагандек тоғдан есанг шаббода том ошиб, рақсга тушмоққа бошлаган боғ оралаб исзис сингиб кетади.

Зайнидин РИХСИЕВ,
Шеробод тумани.

Хозирги даврнинг глобал муаммоларидан бири. Бу меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашдир. Айниқса, энди ривожланиш йўлига кирган ўттиш даврини бошидан кечираётган давлатлар тараққиётига бу муаммо кўпроқ таҳдид солмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ҳам ўттиш даври ҳолатида бўлиб, бозор иқтисодиёти сари илдамлаб бормоқда. Бу борада босқичма-босқич ўтказилаётган барча ислохотлар биринчи навбатда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, инсонга муносиб ҳаёт кечиртиш учун шароит яратиб беришга қаратилгандир. Шу жумладан, аҳолини иш билан банд қилишга ҳукуматимиз алоҳида эътибор бермоқда. Аммо, мамлакатимизнинг янгича муносабатларга ўтиши ўта ноқулай иқтисодий-ижтимоий шароитда бошланганлиги ва мустабид тузум давридан мерос бўлиб қолган муаммоларнинг мавжудлиги бандлик масаласи ечимини муайян даражада мураккаблаштириб юбориши табиий бир ҳолдир.

Дастлаб, бир тарихий ҳақиқатга алоҳида эътибор бериш зарур, яъни ишсизлик муаммоси бугун ёки Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг гойибдан вужудга келмаган. Ушбу муаммо шўролар давридан мерос бўлиб, айниқса мустабид тузумнинг охириги йилларида я ққолроқ кўзга ташлана бошлади. Қолаверса, ўша даврда иш-

сизлик фақат капитализмга хос иллат, деб назарий жиҳатдан асослашга ва мамлакатдаги яширин ишсизлик ҳақида умуман сўз юритилмасликка уриниш кучли эди. 80-йилларга келиб иқтисодий жиҳатдан чала ривожланган Ўзбекистон каби чекка ўлкаларда аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси ўткир тус олди. Чунки улардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, республикамизга хос демографик жараёнлар собиқ марказ томонидан чуқур таҳлил қилинмади. Бир томондан, меҳнат ресурслари сонининг ўсиши тезлашди, иккинчи томондан эса, янги иш жойлари ташкил қилиш деярли тўхтаб қолди. Натижада, республикада меҳнатга лойиқ бўлган 1.680 минг киши халқ ҳўжалигига жалб қилинмади. Улардан 780 минг меҳнатга лойиқ бўлган аҳоли ортиқча ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришдан четда қолди. Бошқа маълумотларга қараганда, аҳоли ўта зич жойлашган **Фарғона водийсида ишсизлик янада зиддиятлашиб, 1,5 млн. киши нормал иш билан таъминланмаган эди.**

Долзарб мавзу

Да шаклланиб борган аънавий иқтисодий алоқаларни узиб ташлади, натижада ана шу маконда, жумладан Ўзбекистонда ҳам инқироз аломатлари юзага келди. Фаолит кўрсатаётган деярли барча санот корхоналарининг ишлаб чиқариш даражаси кескин пасайди ёки бутунлай тўхтаб қолди, улар банкротликка учради. Бу ҳолат ижтимоий соҳадаги аҳолини мураккаблаштириб, ишсизликни зиддиятли тус олдириди. Шу сабабли, мус-

килиш мураккаб бўлиб, улар юз бераётган ўзгаришларга нисбатан олдинда давр руҳияти таъсирида ҳулоса чиқарадилар. Айниқса, ўттиш даври муаммоларига юзаки баҳо бериб, унинг туб моҳиятини тушуниш жараёни уларда аҳолининг бошқа қатламига нисбатан кўйинроқ кечади. Чунончи, янги жамият

асосларини барпо этиш жараёни нафақат ҳар бир жамият аъзосининг, балки омманинг тафаккурида ўзгариш содир бўлишини талаб қилади. Бунда жамият ҳаётидаги таркиб топан нормаларга, қадриятлар тизимига янгича, давр руҳияти билан боғлиқ ёндашувнинг шаклланиб бориши, тафаккур юритиш психологиясининг ўзгариши объектив заруратга айланади. Ана шу ўзгаришлар қаторида бандлик муаммосини ҳам англаб етиш ва унга тўғри баҳо бериш вақти келди, деб уйлаймиз. Айниқса, собиқ шўролар тузуми даврида аҳоли онгига да хулқ-атворида шакллланган меҳнатга муносабатини ўзгартириш, боқимандалик кайфиятига барҳам бериш зарурати тугида.

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА

асосларини барпо этиш жараёни нафақат ҳар бир жамият аъзосининг, балки омманинг тафаккурида ўзгариш содир бўлишини талаб қилади. Бунда жамият ҳаётидаги таркиб топан нормаларга, қадриятлар тизимига янгича, давр руҳияти билан боғлиқ ёндашувнинг шаклланиб бориши, тафаккур юритиш психологиясининг ўзгариши объектив заруратга айланади. Ана шу ўзгаришлар қаторида бандлик муаммосини ҳам англаб етиш ва унга тўғри баҳо бериш вақти келди, деб уйлаймиз. Айниқса, собиқ шўролар тузуми даврида аҳоли онгига да хулқ-атворида шакллланган меҳнатга муносабатини ўзгартириш, боқимандалик кайфиятига барҳам бериш зарурати тугида.

да унинг ечимини топиш имкониятига эга бўламиз. Ушбу масалага нисбатан илмий-амалий ёндашув қураётганимиз янги жамият асослари ва пойдеворининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Ишсиз деб, меҳнатга лаёқатли бор, аммо иш жойига эга бўлмаган шахсга нисбатан айтилади. Бунда, аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашаётган қисми, хусусан, ўқувчилар, талабалар, нафақахўрлар, уй бекалари, ноғиронлар, болалар ва ўсимирлар, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлар ишсизлар сафига кирмайди.

Ишсизлик таркибан фрикциион, таркибий (структуравий), ва даврий (циклик)га бўлинади.

Фрикциион (ихтиёрый)



Хунармандчилик ва зардўзлиқни халқимиз азалдан эъзозлаб, қадрини балеанд тутиб келган. Бухоро шахридаги Зулайҳо Каримова бошчилигидаги зардўзлар ўзларининг бежирим либослари билан элга манзур бўлмоқдалар. Бу ерда 25 нафар хотин-қизлар зардўзлиқ сирларини ўрганишмоқда.

Суратда: Зулайҳо Каримова ва Раъно Қодирова.
И.ҲАСАНОВ
олган сурат.

РАҶБАР кибр-ҳавога берилса

да, тумандаги таъмирлаш заводи ва ичимлий сув корхонаси раҳбарлари шарт-шароитни билган ҳолда, асоссиз равишда бир неча ойда ишчиларга меҳнат ҳақини тўламасдан юрган. Натижада бу корхоналарда интизом сувайган, ишсизлик юзага келган. Айрим раҳбарларнинг давр талабини англаб етмаётганлиги, эскича иш юритиш услубидан ҳамон қўтила олмаётганлиги таажжублантиради кишини.

Туманда ислохотларни изчил ҳаётга таъбиқ этиш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида тўғаноқ бўлаётган баъзи мисолларга қандай хунуқ оқибатларга олиб келиши мумкинлигини фермер энди англаб етмоқда. Бирок... Норин тумани Марғиזור қишлоғи Бог маҳалласида истиқомат қилувчи Фозилжон Худойбердиев содир этган ҳуқуқбузарлик ҳам солиқчилар томонидан фоз етилди. Фозилжон «Сарвар» фермер хўжалигига қарашли эски дала шийонни ертўласида Ҳаққулқобод йигирув тўкув фабрикасининг солиб олинган 10 та тўкув

туман ҳоқимияти ҳамкорлигида аҳоли билан ишлаш маркази ташкил этилди ҳамда ташкилот, муасаса, маҳалла фуқаролар йиғинларидан вақиллар, шунингдек, ҳомий ташкилотлар тақлиф этилиб, ҳафтада икки марта аҳоли билан ўзаро мулоқот ўтказиш йўлга қўйилди. Бу — меҳнатқаш ҳақ-ҳуқуқини таъминлашда ва фуқароларнинг эркин меҳнат қилиши учун етарлича шароит яратишга асосий омил бўлаётти.

Олимжон СОЛИЕВ,
Шаҳрихон тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

ФАОЛ КАСАБАҚЎМ

Яқинда Бекобод тумани агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма қўмитаси тасарруфидидаги бошланғич тақвильотлар ўртасида «Энг яхши касабаси уюшма қўмитаси» шiori остида кўриқ-танлов ўтказилди. «Янги ҳаёт», «Ўзбекистон» ширкат хўжалиқлари касабаси уюшма қўмиталарининг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги яхши баҳолалиб, биринчи ўрин 25 минг сўм пул мукофоти ва диплом билан тақдирланди. «Энг яхши хўжозланган касабаси уюшмаси» фахрий ёрлиғи ва 15 минг сўм пул мукофоти «Бекободдон» маъсулияти чекланган жамияти касабаси уюшма қўмитасига насиб этди.

Шунингдек, «Далварзин», «Ғалаба» «Деҳқоно-

(Боши 1-бетда).
Мутахассислар текширув ўтказганида «Тадбиркор банк»нинг туман бўлими раҳбари (Ботир Раҳмонов) фермерлар ҳисоб рақамиди маблагни ошна-оғайнигарчилик қилиб, ҳар хил фирма ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамига яширинча ўтказиб юборганлиги ва ундан манфаат қураётганлиги аниқланди.

Ишлаб чиқариш ривожига сунъий тўсиқ қўяётган банк бошлиғи устидан жиноий иш қўзғатилиб, унинг бу қилмиши амалдаги қонунларга кўра муносиб баҳоланди.

Ҳозирги даврда меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза қилиш, уни моддий қўллаб-қувватлаш ва етарлича иш шароити яратиб бериш, фақат моддий фаровонликни яхшилаб қолмасдан, балки ишлаб чиқаришда унумдорликнинг ошишига, сифатли махсулотлар етиштиришига имкон беради. Шундай бўлса-

ЭГРИ ЙЎЛГА ЎЗНИ УРГАНЛАР ошкор бўлди

кор текширув ўтказиб, Санам қишлоқ фуқаролар йиғини Тўлабой қишлоғида истиқомат қилувчи Азизқўжа Исроиловнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди.

Яқинда Риштон тумани Чек-Жалаёр қишлоғида истиқомат қилувчи Ойбек Эрматов, Қува тумани Қайирма қишлоғида истиқомат қилувчи Жааборхон Саидолимов ва унинг ҳамқишлоғи Хожимурод Маматов фаолияти ҳам тўхтатилди. Улар ноқонуний равишда тегиришон, пахта титиш, об-ҳужвоз цехлари ташкил этиб, назорат қилинмайдиган даромад топишга берилиб кетган эканлар.

Ҳалол тадбиркорлик учун кенг йўл очилган

Таажжуб!

бўларди. Текширув натижалари туман прокуратураси ҳузуридидаги Солиққўраш оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, Х.Тошўлатовга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Лоқайдлик қандай хунуқ оқибатларга олиб келиши мумкинлигини фермер энди англаб етмоқда. Бирок... Норин тумани Марғиזור қишлоғи Бог маҳалласида истиқомат қилувчи Фозилжон Худойбердиев содир этган ҳуқуқбузарлик ҳам солиқчилар томонидан фоз етилди. Фозилжон «Сарвар» фермер хўжалигига қарашли эски дала шийонни ертўласида Ҳаққулқобод йигирув тўкув фабрикасининг солиб олинган 10 та тўкув дастгоҳини ўрнатиб, яширин цех ташкил этган экан. Текширув ўтказилган қуни цехда 10 та тўкув дастгоҳининг барчаси гувуллаб ишлаб турарди. 18 килограмм калава ва 300 метр тайёр доқа маҳсулоти сотувга тахт қилиб қўйилганди. Уларнинг барчаси далилий ашё сифатида рўйхатга олиниб, суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди. Цех белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, солиқлар ўз вақтида тўлаб борилганида эди, Фозилжоннинг маҳалладошлари олдида юзи ёрғу бўлар эди.

Гапни гапир уққанга, деб бежиз айтишмайди. Жийдакапалик Хожимирза Тўйчиев қатталарнинг гапига кирмай ўзбошимчилиги оқибатида жазони ҳам ўтаб қичқан эди. Унга бу ҳам қор қилмади шекилли, яна ўз билганидан қолмади. Аллақаблардан қўлбола двигател топиб, ўргинча тортилган электр симига улади. Кўп ўтмай пастак хонага қизғиш рангли 60 қоп чигит ва 5 тонна масхар донини туширди... Аммо бу қонунбузарлик узоққа чўзилмади. Тезкор хабар асосида Наманган вилояти Уйчи тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган текширув давомида маълумотда келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Яширин цехдан чигит ва масхар донидан ташқари, сотувга шай қилиб қўйилган 60 килограмм пахта ёғи ва 6 тонна кунжара ҳам чикди.

Азизқўжа ҳам об-ҳавога қараб ўз фаолиятини ўзгартириб туради. Бу йилги мавсумда у ўзига қарашли бўлган кўримсизгина бинога музқаймоқ тайёрлаб бериш иккита «Фрезер» ва битта «Кинг» русумли дастгоҳлар ўрнатди. Бир томонда музқаймоқ хозирланса, иккинчи томонда вафли стакан тайёр бўлиб турарди. Қани энди Азизқўжа Исроилов бошлаган иш қонуний бўлса. Шунча маблағ сарфлаб ишга туширилган яширин музқаймоқ цехи ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказилмаган эди. Яширин цехдан хабар топган Дангара тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари тез-

Шу йил ноябр ойда Японияда Ўзбекистон тиббиёт ўқув юртларини махсус қўлланмалар, жихозлар ва бошқа ўқув воситалари билан жихозлашга қаратилган янги лойиҳа қўриб чиқилди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказини замонавий ускуналар билан жихозлаш лойиҳасининг амалга оширилиши ЖАСнинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирилик билан келгуси ҳамкорлигида ижобий аҳамият касб этади. ЖАС воситасида ўтган йиллар (1993-2002 йил) давомида курсатилган ёрдамнинг жами миқдори сал кам 40 миллион долларни ташкил этди.

Ж.НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

ИСТЕЪДОД ЖОЙ ВА ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

— Бувижон, мени табрикланг, — деди мактабдан хурсанд бўлиб қайтган Камола Каромат опа кучогига отилар экан. — Бизни Тошкентга чақиришибди.

— Нима учун? — сўради бувиси хайрон бўлиб.

— Эсингиздами, «Куч — адолатда» мавзуидаги республика радиотанловиди иштирок этган эдим. Жавобларим тўғри экан, Халқ таълими вазирлигидан сўрашибди.

— Умрингдан барака топ, қизим. Сенга оқ йўл тилайман. Орзуларинг хамиша рўёбга чиқсин.

Камола оилада тўнғич фарзанд. Отаси заводда оддий ишчи. Онаси эса уй бекаси. Қизидаги ўқишга ҳаваасни кўрган ота она уни бувиси ихтиёрига топширишди. Негаки, Каромат Тўракулова бир неча йил мактаб кутубхонасида ишлаб, каттагина тажриба орттирган, таълим-тарбия ҳадисини олган зукко аёл.

Камола Муродова Нишон туманидаги 2-мактабнинг 9-синфида ўқийди.

— Ўқувчиларим орасида Камола ҳар томонлама етуқлиги, билимдонлиги билан ажралиб туради, — дейди синф раҳбари Гулчехра Жумаева. — Эндиликда Хулкар Рўзиёва, Зулайхо Омонова, Мохира Самадова сингаридугоналари ҳам Камолада бўлишга интилишмоқда.

Илм даргоҳида 824 нафар ўқувчига 62 нафар ўқитувчи билим берапти. Таълим-тарбиянинг қай даражада эканлигини ўқувчилар

нинг ўзлаштириши ва уларнинг интилишларидан ҳам билиб олса бўлади. Ўтган ўқув йилида иқтидорли ўқувчиларнинг VIII слётида иштирок этган Жасур Қодиров биринчи даражали диплом билан тақдирланган бўлса, Гулрўхсора Козимова Халқаро Оролни асраш кўмитаси JEF агентлиги, Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Яқинда мактабнинг биринчи синфига қадам қўйган Баҳовуддин Холқатўраҳўжаевнинг истеъдоди мактаб жамоасини хайратга солди. Уни 1-синфга қабул қилган ўқитувчи Кичик Холиёрова шундай дейди:

— Баҳовуддиннинг аввало ақли, одоби, ҳар бир нарсасига қизиқувчанлиги, кийиниши ва юриш-туриши гўё юқори синф ўқувчиларини эслатади. У аллақачон латин алифбосида ёзишни ва ўқишни ўзлаштириб олган. Математика фанининг 4 амалини бажариб, кўпайтириш жадвалини эса ёддан айтиб беради. Алифбе китобидаги шеърларни ёд билади.


Дарвоқе, иқтидорли ўқувчиларни ҳаётга мос билимли, зукко қилиб тарбиялашда қалби қайноқ, меҳри дарё ўқитувчиларнинг хизматлари каттадир.

Туман халқ таълими тизимида 32 та умумтаълим мактаби, 1 та ихтисослашган мактаб-интернат, 24 та мактабгача тарбия муассасаси, 4 та мактабдан ташқари муассаса фаолият кўрсатмоқда. Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов, Усмон Юсупов, Фафур Фулом, Қори-Ниёзий номли

мактабларда таълим ва тарбия ишлари аниққас, яхши йўлга қўйилган.

— Мактабимизда 1146 нафар ўқувчи таълим олади, — дейди А.Навоий номли мактаб директори Маҳмуд Аҳмедов. — Ўтган ўқув йили битирувчиларимиздан 21 нафари, бошқача айтганда, учдан бири олий ўқув юртига ўқишга кирди.

Бугунги кунда Камолдин Бехзод номли мактаб ўқитувчиси Татъ



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

яна Гумирова, Усмон Юсупов номли мактабнинг хорижий тиллар фани ўқитувчиси Одина Тўхтабоева, Майна Ҳасанова номли мактаб ўқитувчиси Жавли Курбонов сингарии мурабийлар ёшларга таълим-тарбия беришда ҳаммасларига намуна бўлмоқдалар.

Туманда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича бирмунча ижобий ишлар амалга ошириляпти. Мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўз ўзини маблағ билан таъминлаш намунали йўлга қўйилганлиги таълимда ислохотларни жадаллик билан амалга оширилишида кенг имкониятлар яратмоқда. Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кўмитаси раиси Қўзибой Рустамов жамоа шартномасида белгиланганидек, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга асосий эътиборни қаратмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда. Бурчиға садоқат кўрсатиб, билим ва маҳоратларини сўнгги томчиғига ёш ниҳолларга бахшида этишга азму қарор қилган зиёкор боғбонлар нияти ижобат бўлмоқда. Илм масканлари истеъдод соҳибаларига тобора бойиб бормоқда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Суратда: «Нишон» 2-ўрта умумтаълим мактабнинг 9-синф ўқувчиси Камола Муродова.

Ўқинг, қизик!

Инсон ҳаётида шундай воқеалар рўй бериб турадики, таҳлил эта туриб уларнинг тасодифми ёки қонуният эканлигини билолмайсан киши. Масалан, 1664 йил 5 декабр кун Уэлснинг шимолий қисмидаги бўғозда «Меней» деб номланган кема чўкиб кетади. Саксон бир нафар йўловчидан фақат бир киши омон қолади. Бу омадли инсон Хью Вильямс эди. 1785 йил 5 декабрда эса Англиянинг «Кинг Жеймс» кемаси денгизда ҳалокатга учрайди. Яна

ТАСОДИФМИ, ҚОНУНИЯТ?

битта одам — Хью Вильямс омон қолади. Орадан роппа-роса 25 йил ўтгач, яъни 1860 йилнинг 5 декабрида Ла-Манш бўғозиди яна бир кема ҳалокатида барча йўловчилар ҳалок бўлади. Фақат «худо ярлақан» бир кишигина омон қолади. Бу яна ўша Хью Вильямс эди. Ҳўш, бир хил исм ва фамилияли уч нафар кишининг айнан 5 декабрларда ва кема ҳалокатларида омон қолиши хайратланарли-я? Шундай эмасми?!..

К.АБДУЛЛАЕВ.

ХИКМАТЛАР
Эртага қолмаса бугунги иши,
Бу дунёда голиб яшар шул киши.
Хусров ДЕХЛАВИЙ

*Хикмат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.*
БЕДИЛ

Шоҳмат оламида

ДУРАНГМИ, МАҒЛУБИЯТ?

Шоҳмат ўйинида шундай вазиятлар содир бўладики, баъзан баҳс ниҳоясида томонларда руҳ билан от ёки руҳ билан фил қолади. Бундай пайтларда шоҳматчидан шоҳмат назарияси ва амалиёти билан ёшликдан шуғуллангани катта ёрдам беради. Учрашув тақдирини рақибларнинг маҳорат ила аниқ ва пухта ўйнашлари ҳал этади. Буни қуйдаги икки партия мисолида ҳам кўриш мумкин.



Аввало, биринчи диаграммага назар солайлик: унда оқларда руҳ, қораларда от бор. Учинчи охирида руҳ ва от қолиб, дуранг натижа қайд этилган ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Аммо бу гал вазият бошқача: қораларнинг оти бурчакда турибди,

у шоҳини ҳимоя қила олмайди. Бундан фойдаланган оқлар учрашув тақдирини ўз фойдасига

ҳал қилади. Масалан, оқлар биринчи е3 га юриб, партиянинг 20-24 юришига келганда қораларни таслим бўлишга мажбур этади. Энди иккинчи диаграммага эътибор қаратайлик. Қаранг, оқларда фил билан от, қораларда эса фарзин қолган. Бир қараганда қоралар галаба қилиши аниқдек кўринади. Аслида-чи? Ҳамма гап оқларнинг қандай юришига боғлиқ. Вазиятга қараб от шундай бир юриш қиладики, ўйин дуранг билан якунланади. Ҳўш, бунга қандай эришилди? Доналарни териб, вазиятни бир таҳлил қилиб кўринг-а!

Анвар ИНОҚОВ, шоҳмат бўйича спорт усталигига номзод.

Оқибат

билан мол бўлса. Унга исм ёпишмайди-ку! Нима бало, ибтидоий одамимиз, оғайни? — деди гапни ҳазилга айлантираркан.

— Эшитган бўлмасангиз эшитиб олинг. Молга ҳам исм қўйлади. Лақабиям бўлади...

— Нималарни ўйлаб топади-я, бу одамлар...

Шўрликларнинг шўрвасига туз тўкилди. Ўғрилар ўша захотдэк бозорда қўлга олинди. Улар: шўрчилик Ўроз Холиқов, Рустам Қўйлиев, термизлик Бойқул Эшов бўлиб чиқди. Улар: Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддада 2-қисми билан муқаддам судланган экан. Эски касаликларини яна хужур қилиб, қайта жиноятга қўл уришибди...

Ўзгалар ризқиға қўл чўзган ўғрилар йўллариға қопқон ташланганини пайқашганда, аллақачон вақт ўтган эди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.



Рассом: Б. ТОЖИЕВ.

Узун тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Собиржон Ҳакимовнинг мол ўғрилари тўғрисида сўзлаб берган хикоясини эшитиб, падари бузрукворимизнинг куйидаги ўғитлари ёдга тушди.

— Уғлим, ўй хайвонларини исми билан номлаш керак.

— Нега энди?.. Улар сўзлашолмайди-ю!..

— Ғўрсан-да, ўғлим. Улар бир-бирлари билан сўзлашади. Худо уларга узун тил бергану, аммо сўзлашувдан бенасиб айлаган. Ҳаттоки дарахтларнинг ҳам тили бор. Лекин улар бизчалик эмаслар... Улардаям юрак бор, қалб бор, қаноат бор.

— Ростданми, ота?! — Хайвонларни исми билан номлашнинг ўзгача шарофати бор. Мана, мисол: урғочи мол бўлса: «Райхон», «Ойсулув», «Норин», «Кўкалдош», «Камалак», агар эркак мол бўлса: «Тўполончи», «Қирра», «Тепкал» ва ҳоказо... Мободо, фалакнинг чархи тескари айланиб ўғирланса ҳам осонгина топилади.

Шу йилнинг йигирманчи июлида туманининг «Боботўғ» ширкат хўжалигидаги Малик қишлоғида яшовчи уч ака-ука Абдуназар, Хўжаназар, Маманазарнинг ҳам тили бор. Лекин улар бизчалик эмаслар... Улардаям юрак бор, қалб бор, қаноат бор.

— Нима бўлганини ёзиб қолдинглар. Ёрқан қиламиз. Қочиб қаерга ҳам боришарди... — деди ишонч билан Собиржон Ҳакимов. — Молмисан мол эди. Биласизми, молларини қанча қилишди? «Абирдин Ангис» кал бошли зотли қора моллар... Денгиздаги акуладан қолишмасди. Бунақаси Сурхондарё бўйича фақат бизда бор эди. Бозорга киргудек

ИККИ ТУМАН ОРАЛИҒИДА

тиши. Дархол қидирув бўлими бошлиғи, милиция капитани Каромат Курбоновни ҳузурига чақиртирди.

Каромат Бекназаров, Холқўзи Нормуродов, Баҳодир Отамуродовлар халқ посбонлари ҳамкорлигида қидирув ишларини бошлаб юбордилар. Улар вилоят туманлари бозорлари томон бўлиб кетишди...

Денов туманининг «Наврўз» жамоа хўжалиги Бандихон тумани билан туташиб кетган. Узун тумани билан оралиқ масофа юз километрдан ошади. Сурхондарёликларнинг сўзлари билан айтганда, «Жаҳон бозори»...

Кўза кунда эмас, кунда синади, — дейди халқимиз. Ўғрилар ўн олти мол

бўлса, харидорни олисан имлайди. Эҳ, аттанг. Энди нима қилди-а?!

Собиржон ҳам бунақа молларни илк бор эши-

ни жойлаб, учтасини бозорга солишди. Шубҳа уйғотмаслик учун нархини ошириб айтишарди. Албатта бундай семиз, зотли молни сотиб

олишни ҳар кимнинг ҳам чўнтағи кўтармайди.

Қидирувчилардан бири молга харидор бўлиб қолди. Нархининг бандлиги сирини сўради.

— ... Айтганингизга сотмайсиз-ку, акагинам. Тўшинг, мунча оёқ тираманг. Ҳаммаям ўз киндигини ўзи кесмагандир... — деди астойдил оларман бўлиб.

Улар молнинг нархини келишишди. Харидор мол эгасидан сўради:

— Ака, молингизнинг исми нима?..

Мол эгаси тутилиб қолди. Бояқаш гапга чечанлик қилиб қулоққа чўзма лағмон илмокчи эди, иши ўнгидан келмади. Лекин сирини бой бермади.

— И-я, қизик одам экансиз-у. Ўзи ўз зоти

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маммура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

Бос
муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.25

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотува эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.